

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сунъий йўлдошдан фойдаланилади



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, OneSoil, Boston Consulting Group компаниялари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида сунъий йўлдош маълумотлардан фойдаланишга доир битим имзоланди, деб хабар беради вазирлик матбуот хизмати.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини жорий этиш, замонавий ресурс тежовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур битим “Ақлли қишлоқ хўжалиги” Концепцияси доирасида қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни фаол татбиқ этиш, замонавий технологияларни қўллаш орқали Ўзбекистондаги ер майдонлари ва экинларини объектив хариталашга доир ишларни амалга оширишни назарда тутди.

Лойиҳа мамлакатимиздаги битта вилоят мисолида пилот тарзда амалга оширилиб, бу борада далалардаги экинларни мультиспектрал диапазондаги йўлдош суратларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Жорий йилнинг август ойида қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш ва экинларнинг ўсиши шароитлари бўйича маълумотни аниқлаш, ечимларини ишлаб чиқиш бўйича инвестиция портфелини яратишга қаратилган семинарлар ўтказилади.

Манба «pv.uz» (газета Правда Востока)